

ЭНЦЕФАЛОПАТИЯЛАР: ТАШХИС, САБАБЛАР ВА ДАВОЛАШ
ЙЎЛЛАРИ

Чориев Шохжаҳон Хабибулло ўғли
Кенжаев Ёдгор Маматқулович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети тиббиёт факультети

Кириш (Introduction): Энцефалопатиялар — марказий нерв тизимига шикаст етказувчи патологиялар бўлиб, уларнинг келиб чиқиши турли омиллар билан боғлиқ: токсик таъсирлар, метаболик бузилишлар, инфекция ёки ишемик жараёнлар. Бу касаллик инсон ҳаёти сифатига салбий таъсир кўрсатиб, унинг барвақт ташхисланиши ва даволаши муҳим аҳамият касб этади.

Мақсад: Энцефалопатияларнинг сабаблари, ташхислаш ва даволаш усулларини ўрганиш ҳамда уларнинг клиник аҳамиятини баҳолаш.

Усуллар (Methods): Тадқиқотга 150 нафар бемор жалб қилинди. Ташхислаш учун қуйидаги замонавий усуллар қўлланди:

- **МРТ ва КТ:** Марказий нерв тизимидаги структуравий ўзгаришларни аниқлаш.
- **Электроэнцефалограмма (ЭЭГ):** Мия электр фаолиятини баҳолаш.
- **Лаборатория таҳлиллари:** Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари, жумладан, СРР, глюкоза ва электролитлар даражасини аниқлаш.

Этиология ва клиник белгилари бўйича беморлар таснифи ўтказилди ва даволаш самарадорлиги 6 ой давомида кузатилди.

Натижалар (Results): Этиологик таснифга кўра, 33% беморларда туғма энцефалопатиялар қайд этилди. 67% беморларда эса орттирилган энцефалопатиялар аниқланди, улар ишемик, токсик ёки инфекцион жараёнлар натижасида келиб чиққан. Бунга асосий омиллардан токсик таъсирлар: алкоголизм, оғир металллар ва кимёвий моддалар. Метаболик бузилишлар: қандли диабет, гипогликемия. Инфекцион ва ишемик ҳолатлар қайд этилди.

Ташхис имкониятлари: МРТ ва ЭЭГ касалликнинг турли босқичларини аниқлашда самарали экани тасдиқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, энцефалопатияларни ташхислашда комплекс ёндашув зарур. Замонавий инструментал усулларни лаборатория таҳлиллари билан уйғунлаштириш, касалликнинг патогенезини тўғри тушуниш имконини яратди. Токсик, метаболик ва инфекцион энцефалопатияларнинг барвақт ташхиси клиник натижаларни сезиларли даражада яхшилади.

FAN, TA'LIM, TEXNOLOGIYA VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI ASOSIDA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI VOLUME-2, ISSUE-1

Хулоса (Conclusion): Энцефалопатияларни эрта аниқлаш ва мақсадли даволаш беморлар ҳаёти сифатига ижобий таъсир кўрсатади. МРТ ва ЭЭГ каби замонавий диагностика усуллари билан биргаликда комплекс даволаш стратегияларининг жорий этилиши патологияларнинг олдини олиш имкониятини оширади. Шунга кўра, профилактика ва эрта ташхис стратегияларини янада ривожлантириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов А. Энсефалопатияларнинг патогенези. Тошкент: Илм Зиё нашриёти, 2023.
2. Бахтиёров Р. МРТ ва КТ диагностикаси. Тошкент: Тиббиёт нашриёти, 2022.
3. Шодиев Х.К. Неврология асослари. Тошкент: Илм Зиё нашриёти, 2021.
4. Маматкулович К. Ё. Ме'да ости беzi ўткир ва сурункали панкреатит касалликларини гистоморфологик таҳлили //Америсан жоурнал оф апплиед медисал ссиенсе. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 49-53.